

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 31 (1630), 2026 йил 14 февраль, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ЯНАДА ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРДА ТАЪМИНЛАШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИАТЛАР БОРЛИГИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилиш аввалида ўтган йилги макроиқтисодий натижалар қайд этилди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми 7,7 фоизга ўсиб, 147 миллиард доллардан ошди. Иқтисодий ўсишнинг ярмидан кўпи хизматлар ҳисобига таъминланди. Қишлоқ хўжалигида гектаридан ўртача даромад 4,5 мингдан 5 минг долларга кўпайди, меҳнат унумдорлиги 4,7 фоизга ошди.

Иқтисодийётга илғор, энергия тежамкор технологиялар кириб келаётгани ҳамда юқори қўшилган қиймат берадиган лойиҳалар кўпайиб бораётгани натижасида бир йил ичида бир долларлик қўшилган қиймат яратишга сарфланган энергия харажатлари 15 фоизга камайди.

Президентимиз 2026 йил учун белгиланган кўрсаткичларга тўхталиб, 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмини 167 миллиард долларга етказиш режаси геосиёсий вазият ва иқтисодий тебранишларни инобатга олган ҳолда шакллантирилган эҳтиёткор прогноз эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, ҳар бир вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари соҳасига янгича бошқарув олиб кириб, ресурслардан самарали фойдаланса, анъанавий экспорт бозорларига боғланиб қолмасдан янги йўналишлар очса, рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича мутахассисларни жамлаб, инновациялар киритса, ёшларни жалб этиб, “старт-ап клуб”лар ташкил этса, иқтисодий ўсишни янада юқори суръатларда таъминлаш учун барча имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда стратегик корхоналар самарадорлиги ва харажатларни қисқартириш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Миллий инвестиция жамғармасини бошқаришга жалб этилган “Franklin Templeton” компанияси таҳлилига кўра, корпоратив маданиятни кучайтириш, логистика, рақамлаштириш ва энергия самарадорлигида қатта захира-лар мавжудлиги қайд этилди. 19 та стратегик

корхона раҳбарларига харид тизими, логистика, рақамлаштириш ва энергия самарадорлиги бўйича кескин чоралар кўриб, таннархни 10-15 фоизга қисқартириш вазифаси қўйилди. — Иқтисод қилиш режаси ишлаб чиқаришни камайтириш ҳисобидан эмас, балки маҳсулот таннархини қисқартириш орқали таъминлини шарт, — деди Президентимиз.

ТЕХНОПАРКЛАР — ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАЁТГАН КЛАСТЕРГА АЙЛАНЯПТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига ташриф буюриб, электротехника саноати технопаркидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Дастлабки манзил юқори кучли кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Epsco Group” корхонаси бўлди.

Мамлакатимизда энергетика тармоғини жадал модернизация қилиш, янги электр станциялари ва нимстанциялар қуриш, магистрал тармоқларни янгилаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодийёт тармоқлари ва аҳоли сонининг ўсиши натижасида электр энергиясига бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани юқори кучли электр узатиш тармоқларини ривожлантиришга таъсир қилиши ҳамда юқори кучли кабель маҳсулотларига ички ва ташқи бозорларда барқарор талаб шаклланимоқда.

Фаолият ушбу талабни қондиришга қаратилган “Epsco Group” корхонаси Беларусь Республикасининг “Энергокомплект” компанияси билан ҳамкорликда “Eltech Industrial” технопарки ҳудудида 21 гектар майдонда барпо этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 60 миллион долларни ташкил этади. Корхона тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг 600 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа икки bosқичда амалга оширилмоқда. Корхона йилга 25 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариши, экспорт салоҳияти 300 миллион долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Айни пайтда қурилиш ишларининг биринчи bosқичи 98 фоизга яқинланган, 10 миллион доллардан ортиқ инвестиция ўзлаштирилган. Корхона маҳсулотлари Германия, Латвия, Эстония, Болгария ва МДХ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йиллик экспорт ҳажми 140 миллион долларга етиши тахмин қилинмоқда.

Ўтган йили мамлакатимизга 400 миллион долларга яқин юқори кучли кабель маҳсулотлари ва изоляцияланган мис шиналар импорт қилинган. Корхона тўлиқ ишга туширилгандан кейин 150 миллион долларлик импорт ўринни босувчи шундай маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Марказий Осиёда бундай йўналишда фаолият юритаётган 12 та корхонанинг 4 таси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Бу мамлакатимизда электротехника саноати bosқичма-bosқич юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоққа айланаётганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг келгусидаги ривожланиш режалари, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди.

Президентимиз саноат кооперациясини кенгайтириш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни жорий этиш ҳамда экспортбон рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариши янада кучайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Оҳангарон туманидаги “Vades Group” компанияси томонидан амалга оширилаётган юқори технологияли лойиҳа билан танишди.

Мазкур корхонада идентификация учун мўлжалланган микропроцессор модуллари, сим-карталар, шунингдек, транспорт, ижтимоий ва халқаро тўлов карталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 январда “Электротехника саноатини ривожлантириш янги bosқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ҳужжатда электротехника саноати ва унга ёндош соҳаларни ривожлантириш, юқори технологияли ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш рағбатлантириш борасида вазифалар белгилаб берилган.

Шунга мувофиқ, корхона рақамли давлат хизматларини жорий этиш, фуқароларнинг қўндалик эҳтиёжлари учун қўлай ва хавфсиз тўлов тизимларини шакллантиришда зарур бўлган вазифаларни ишлаб чиқаради.

Германиянинг “Infineon technologies” компанияси билан ҳамкорликда “Eltech Industrial” технопарки ҳудудида ташкил этилаётган корхонанинг умумий қиймати 15 миллион долларга тенг.

Айни вақтда қурилиш ишларининг иккинчи bosқичи ўн беш фоизга бажарилиб, 7 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Ҳудуди 4 гектар майдонни эгаллаган замонвий мажмуада 100 га яқин янги иш ўрни яратилади, 6 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2025 йил давомида мамлакатимизга 35 миллион долларлик микропроцессор модуллари, сим-карталар ва турли тўлов карталари импорт қилинган.

Мазкур корхона тўлиқ ишга тушиши ҳисобига 5 миллион долларлик импорт ўринни босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бозордаги таннарх уч-беш фоизга пасайиши кутилди.

Замонавий корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Мозамбик, Камбоджа каби қатор давлатларга экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари МДХ давлатлари орасида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўринда бўлиши кутилаётган ушбу корхонада яратилаётган шарт-шароитлар, технология ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишди.

Президентимиз юқори қийматли маҳсулотлар бўйича инновацион ёндашувларни жорий этиш, маҳаллий кадрлар салоҳиятини ошириш ва экспортни янада кенгайтириш масалаларида муҳим топшириқ ва тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи доирасида Оҳангарон туманидаги “Infinity Sorper Group” мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бўлди.

Лойиҳа Хитой ва Германия компаниялари билан ҳамкорликда 10 гектар майдонда амалга оширилаётгани, унинг умумий қиймати 36 миллион долларга тенг экани ҳақида маълумот берилди.

Бу ерда қурилиш ишлари 90 фоизга яқинланган, лойиҳа доирасида 14,9 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Ўзбекистонга 2025 йилда 15 миллион долларлик мис қувурлар ва фитинглар импорт қилинган. Мазкур корхона тўлиқ ишга тушгач, 10 миллион долларлик импорт ўринни босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Тараққиёт мезони

БИЗ ДУНЁГА ОЧИЛДИК, ДУНЁ БИЗГА ЮЗЛАНДИ

Ҳар бир мамлакат миллий юксалиш сари юз тутар экан, олдида қўйган эзгу мақсаднинг рўёбга чиқиши, биринчи навбатда, жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотларнинг реал самараси, халқ турмуш тарзига таъсири, қабул қилинаётган қарор ва дастурларнинг тўла бажарилиши, жамият аъзоларининг бу жараёндаги фаол иштирокига бевосита боғлиқ. Энг муҳими, бу фаоллик одамларда миллий тараққиётга дахлдорлик, масъулият туйғусини оширади. Тинч-тотув яшаш, фаровон турмуш, ишчанлик ва ташаббускорлик, ёшлар тарбияси билан мунтазам шугулланиш кўпчилик учун ҳам маънавий, ҳам фуқаролик бурчига айланади. Бу бурч жамиятнинг илғор қатламини мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида янада ҳаракатчан бўлиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват этади.

Мамлакатимиз кейинги ўн йилликда мисли кўрилмаган тараққиёт йўлига кирди. Бу йилларнинг ҳар бири, ҳар дақиқаси муттасил кураш, интилиш, изланиш, янада ёруғ келажакка қатъий ишонч руҳи билан ажралиб туради. Айни чоғда бутунги тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш,

Ватанимизнинг ривожланган мамлакатлар сафидан мустақкам ўрин олиши учун ҳар бир киши ёши, касб-коридан қатъи назар, фидокорона меҳнат қилиши, билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиши, улар тарбиясига янада эътиборли бўлиши зарур.

14 февраль — Заҳирқуддин Муҳаммад Бобур таваблугу тоғланган кун

“ДАВРОН МЕНИ ЎТКАРДИ САРУ СОМОНДИН”

ШОҲ ВА ШОИР НАЗДИДА МАЪРИФАТ ҲАМДА БОШҚАРУВ ҚИЙМАТИ

Давоми 2-бетда

Давоми 2-бетда

Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

ТЕХНОПАРКЛАР – ЭЛЕКТРОТЕХНИКА Саноатини Янги босқичга олиб чиқаётган кластерга айлантирди

Бошланғич 1-бетда

Президентимиз мамлакатимизда мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга саноат маҳсулотларини улушини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Бундай замонавий, рақобатбардош корхоналар сонини кўпайтириш орқали ички бозор эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Оҳангарон туманига ташири давомида “Premier” машиий техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда электротехника саноатини ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натигада тармоқда тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларида рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайди.

Хусусан, Оҳангарондаги мазкур лойиҳа ҳам Бирлашган Араб Амирикларининг “Fajr Al Mustaqbal General Trading” корхонаси билан ҳамкорликда 10 гектар майдонда амалга оширилаётган бўлиб, умумий қиймати 30 миллион долларни ташкил қилади.

Лойиҳа доирасида 250 та янги иш ўрни яратилади, 4 миллион доллар экспорт амалга оширилади. Айни вақтда қурилиш ишлари 95 фоизга бажарилиб, 11,3 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Мазкур корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Қирғиз Республикаси, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинади.

Айни пайтда бу каби корхона Ўзбекистонда иккита, Марказий Осиёда эса тўртта бўлиб, уларнинг орасида мазкур лойиҳа маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамжи бўлича иккинчи ўринда туради.

Келгусида мажмуа тўлиқ ишга туширилиши ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутуляпти.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёни, маҳсулотларини сифатини кўздан кечирди. Мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ернинг ўзиде корхонанинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури тақдимот қилинди. Мамлакатимиздаги электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни корхоналарнинг кўргазмаси билан танишилди.

Президентимизга “Eltech Industrial” технопаркида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар тўғрисида ахборот берилди.

Технопарк электротехника саноатини янги босқичга олиб чиқиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт географиясини кенгайтиришга қаратилган йирик саноат кластерига айланмоқда. Технопарк тўртта худуддан иборат, умумий майдони 362 гектарни ташкил этади. Ҳозирги кунда 4 та лойиҳа ишга туширилган, 27 та лойиҳа шакллантирилган. Умумий қиймати 797 миллион доллар бўлган корхоналарда минглаб янги иш ўринлари яратиш ва салмоқли экспорт ҳажмига эришиш режалаштирилган.

Ишга туширилган корхоналарда мис қувурлари ва фитинглар, микропроцессор модуллари ва сим-картлар, юқори кучлинишли кабеллар ҳамда маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариламоқда. Келгусида ўта юпка мис фольгаси, бошқарув ва СИП кабеллари, робототехника ва электротехника каби янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилади.

— Электротехника саноатини иқтисодий-техник драйверларидан бирига айлантириб, кўрсаткичларни келгусида ўн миллиард долларга етказишни стратегик мақсад қилиб қўйишимиз зарур. Бунинг учун ички ва ташқи бозорларда мустақам ўрин эгаллаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда соҳа учун етуқ, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишимиз шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Марҳаб Хожиакбарова,
Беҳруз Худойбердиев,
ЎЗА мухбирлари

Иқтисодий ўсишни янада юқори суръатларда таъминлаш учун барча имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилади

Бошланғич 1-бетда

Шунингдек, стратегик корхоналарни “Ягона газначилик” ахборот тизими билан қамраб олиш, харидларини риск-таҳлил асосида тоифлаш орқали самарасиз харажатларга чек қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Худудий саноатни ривожлантиришдаги камчиликлар кескин танқид қилинди. Уч йилда республика саноати 21 фоиз ўсган бўлса-да, қатор туманларда бу кўрсаткич 10 фоизга ҳам етмагани, айрим худудларда кредит ресурслари ва инвестицияларнинг ўсиши саноат ўсишига мутаносиб таъсир кўрсатмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига 12 та туманга бориб, бир ой жойида ишлаш, ишлаб чиқариш пасайган корхоналарни “оёққа тургазиш” ва ушбу туманларда саноат ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Умуман, республика саноатини камида 8,5 фоизга ўстириш бўйича тармоқбай ва худудбай режаларни тасдиқлаш, биринчи чорак якунида аниқланган муаммолар ва уларнинг ечимига қараб, раҳбарлар фаолиятига баҳо бериш белгиланди.

Юртимизда йилига 650 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга 4 та йирик корхона мавжудлиги, бу йил 300 дан зиёд маҳаллий корхоналар билан кооперация асосида яна 763 та детал ишлаб чиқаришни бошлаш ҳамда автомобиль ишлаб чиқаришни 510 мингга етказиш зарурлиги таъкидланди. Аҳоли талабини рағбатлантириш мақсадида автокредит ставкаларини пасайтириш ва ҳажминини ошириш чораларини кўриш топширилди.

Инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳаларни самарали амалга ошириш бўйича янги бошқарув ёндашувлари белгиланди.

Жорий йил 50 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келиш режаси қўйилгани, янги лойиҳалар биринчи навбатда юқори қўшилган қийматли ва экспорттоп маҳсулот ишлаб чиқаришга, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда юқори даромадли иш ўринлари яратишга хизмат қилиш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар ва ҳокимларга 2026 йилги инвестиция дастури киритилаётган ҳар бир лойиҳанинг бозори, экспорти, қўшилган қиймати ва яратадиган иш ўринларини тўлиқ таҳлил қилиш топширилди.

Эңдиликда инвестиция лойиҳалари билан ишлашда лойиҳани ишга тушириш билан чекланиб қолмасдан, унинг тўлиқ ишлаши, юқори қўшилган қиймат яратиши ва ташқи бозорга чиқиши бўйича ҳам қатъий назорат ўрнатилди. Шу мақсадда дастурга кирган ҳар бир лойиҳани ишга тушадиган кейин уч йил давомида мониторинг қиладиган “Ягона миллий лойиҳа бошқаруви” платформаси яратилди.

Ўтган йили турли ташкилий муаммолар сабаб 55 та йирик лойиҳа кечиккани қайд этилиб, бу йил қиймати

165 миллиард долларлик 377 та стратегик лойиҳа алоҳида назоратга олиниши белгиланди.

Шунингдек, хорижий ташрифлар доирасида 135 миллиард долларлик келишувларга эришилгани, жорий йилнинг ўзиде Туркия билан 9 миллиард, Покистон билан 1 миллиард 428 миллион долларлик инвестиция битимлари имзолангани маълум қилинди.

Инвестицияларнинг кўпайиши ҳисобига қурилиш ҳажминини ошириш вазифаси қўйилди. Мутасаддиларга жорий йилги қурилиш ҳажмини 400 триллион сўмга олиб чиқиш, соҳада камида 17 фоиз ўсишни таъминлаш топширилди. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси учун бюджетдан 40 триллион сўм ажратилаётгани қурилиш, қурилиш материаллари, металлургия ва электротехника корхоналари учун қатор бозор экани қайд этилди.

Шу билан бирга, худудлардаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари назоратини кучайтириш, Қозақалғистон, Самарқанд ва Фарғонада буюртмачи хизматларига тажриба тариқасида хусусий секторни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Энергия самарадорлигини ошириш масаласлари бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилди.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг йиллик энергия истеъмоли катталлиги ҳисобга олиниб, бу тоифадаги корхоналарда энергия самарадорлиги бўйича янгича тизим жорий этилиши ва уч йиллик дастур ишлаб чиқишини белгиланди. 2026 йилда кичик ва ўрта корхоналарда 100 миллион куб метр газ ва 500 миллион киловатт-соат электр энергияси чораларини кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, республикадаги 917 минг ёритиш чирокларининг йилига 330 миллион киловатт-соат электр сарфлаётгани ва қуңдуз қуни ҳам ёниқ қолиш ҳолатлари учраётгани кўрсатилиб, ёритиш устунларига кичик қуёб панели, батарея ҳамда кун ёришишга қараб, ўзи ўчиб-ёнадиган датчик ўрнатишни бошлаш топширилди.

Ийгилишда давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, 300 триллион сўмлик давлат харидларида маҳаллий маҳсулотлар улуши 68 фоизга етган бўлса-да, Олмалик комбинати, “Ўзтрансгаз”, “Миллий электр тармоқлари”, “Uzbekistan Airports” ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” тизимларида бу кўрсаткич 40 фоизга ҳам етмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, тадбиркорлар давлат хариди, экспортга ва сертификатлаш жараёнида бюрократия қўлиги, айрим раҳбарлар эса “чет элики сифатлироқ” деган эски қарашдан ҳали ҳам воз кечмаётганини айтмоқда.

Энди вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимлар ҳар бир лойиҳада музокара, теңдер, қурилиш ҳамда хомашё таъминотининг барча босқичларида маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтиришга шахсан жавоб бериши белгиланди.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар ҳисобидан таъминлаш масаласи йиғилишнинг алоҳида йўналиши бўлди.

Президентимиз “ички бозордаги талабнинг ўзи билан юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмаслиги”ни таъкидлаб, вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг асосий вазифаси янги маҳсулотлар билан янги бозорларга кириб бориш бўлиши зарурлигини қайд этди.

Ўтган йили экспорт 22 фоизга ўсиб, 24 миллиард долларга етган бўлса-да, кўп раҳбарлар экспортда эскича иш услубидан воз кеча олмаётгани мисоллар билан кўрсатиб ўтилди. Эңдиликда экспорт бўйича талаб фақат ҳажм эмас, балки янги маҳсулот ва янги бозорлар бўйича ҳам бўлиши белгиланди.

Ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, инфляцияга таъсир қилувчи омилларни олдиндан аниқлаб, амалий ечим топиш вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Январ ойида йиллик инфляция 7,2 фоизни ташкил этгани, инфляциянинг 45 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобига, айниқса, 13 фоизи гўшт нархи ҳисобидан шаклланигани қайд этилди.

Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва меҳнат унумдорлиги марказига инфляция бўйича ички ва ташқи хатарларни олдиндан аниқлаб бориш, ҳар ҳафта туман ва шаҳар бозорларини таҳлил қилиш, талаб прогнозини шакллантириш ҳамда ҳар чоракда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари балансини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Кейинги ҳафтадан муборак Рамазон ойи бошланғичи муносабати билан ички бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим экани таъкидланиб, деҳқон бозорлари ва йирик савдо комплексларида арзонлашган озиқ-овқат ярмаркаларини бошлаш бўйича ташаббуслар қилинди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам нарх барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилган вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Гўшадан импортга қарамликни қисқартриш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Муборак туманида 5 минг гектар ер фойдаланишига киритилиб, маккажўхори экиш бошлангани намуна сифатида келтирилди. Жорий йил қўшимча 60 минг гектарда шу ишларни ташкил қилиш топширилди. Бу орқали қўшимча 350 минг чорва учун қафолатланган озуқа базаси яратилиши таъкидланди.

Шунингдек, ўтган йили 772 минг тонна картошка импорт қилингани қайд этилиб, жорий йилда 4,5 миллион тонна картошка ҳосили олинган зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда тармоқ ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

ЎЗА



ИЖТИМОЙ РЕЕСТР ДАВЛАТ КўМАГИНИ АҲОЛИГА ЯНАДА ЯҚИН ҚИЛАДИ



Ижтимоий ҳимоя жамиятда барқарорлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим асоси. Шу боис, бу борадаги чора-тадбирларни амалга ошириш давлатимизнинг стратегик вазифаларидан бирига айланди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилди. Ижтимоий мажбуриятларга доир нормалар 3 баробар оширилиб, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифалари ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши белгиланди.

Сўнгги йилларда бу жабҳада қилинаётган ишлар натижасида ижтимоий ҳимоя янги босқичга олиб чиқилиб, ягона марказлашган тизим сифатида шакллантирилди. Туман ва шаҳарларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳодимлар фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла даражасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизими яратилди. Ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, жамиятга интеграциялаш, сифатли протез-ортопед ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди.

Имконияти чекланган аҳоли камбағалликка тушиб қолишининг олдини олиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, инклюзивлик асосида жамиятга интеграция қилиш мақсадида янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Муносиб меҳнат шартнолари яратилишти, меҳнат бозорига талаб юқори касблар бўйича ўқитилишти ва бандлиги таъминланяпти. Имконияти чекланган болаларни мактаб ва касбий таълим билан қамраб олиш учун алоҳида дастурлар амалга оширилди. Оғир вазиятга тушиб қолган болаларга гамхўрлик қилиш ва уларни зўравонликнинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоялаш борасида янги тажриба яратилди. Албатта, бундай хайрли ишлар инсон қадрини улуғлаш, жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашда ўз самарасини бермоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 26 декабрдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли

қатламларига давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу жабҳадаги ишлар ривожига муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур ҳужжат билан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларининг оғир ҳаётий вазиятга, шунингдек, камбағалликка тушиб қолишини олдини олиш, фаровон ҳаёт кечирishi учун муносиб шартнолар яратиш, молиявий барқарорлигини ошириш ва салоҳиятини рўёбга қилишга қаратилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этишининг янги тизими жорий қилинди.

— Ҳужжатга мувофиқ, жорий йил 1 февралдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ва Камбағал оилалар реестри негизида Ижтимоий реестр жорий этилди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим

бошлиги Зайниддин Аралов. — Ижтимоий реестрга киритилган оилалар ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, утга тоифага ажратилди. Бундан мақсад эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган давлат кўмагини янада яқинлаш ва ижтимоий хизматлар қамровини кенгайтиришдир.

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлашнинг янги тартибига мувофиқ, “давлат таъминотидаги оила”ларга аъзоларининг бандлик ҳолатидан қатъи назар, болалар нафақаси ва моддий ёрдам улзуксиз тўлаб борилади. Зеро, бундай оила аҳлининг асқарияти меҳнатга лаёқатсиз ёки меҳнат қилиш имконияти чекланган бўлади. Шу боис, уларни улзуксиз қўллаб-қувватлаш оилада ижтимоий-иқтисодий барқарорликка замин яратди. Шу мақсадда ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари янада такомиллаштирилиб, “давлат таъминотидаги оила”лар учун қатор ижтимоий ёрдам пакетлари ҳам жорий этиляпти.

Жўмладан, уларнинг хонадонига қуёб панеллари ўрнатиш учун Камбағалликни қисқартриш давлат мақсадли жамгармасидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади. Ушбу оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзолари бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтиришга кўмаклашиш учун Оилалар тадбиркорлигини ривожлантириш дастури доирасида тижорат банклари орқали 4 йилгача муддатта

Инсон қадри учун



БАНДЛИККА КўМАКЛАШИШ ДАВЛАТ ЖАМГАРМАСИДАН 3 ЙИЛГАЧА МУДДАТГА ОЛТИ ОЙЛИК ИМТИЁЗЛИ ДАВР БИЛАН БАЗАВИЙ ОЙСОБЛАШ МИҚДОРИНИНГ 75 БАРАВАРИГАЧА ФОИЗСИЗ ССУДА АЖРАТИЛАДИ.

базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача миқдорда кредит тақдим этилади.

Бунга чорва моллари, парранда, қуён, балиқ ва асалари уяси, кўча дўконлар, мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ёки иссиқхона қуриб, оилага қўшимча даромад киритиш мумкин. Кредит бир йиллик имтиёзли давр билан “давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оила аъзоларининг ижтимоий картасига ўтказилади. Кредит фоиз ставкаси Оилалар тадбиркорлигини ривожлантириш дастури доирасидаги фоиз ставкасида ҳисобланади ва фоиз тўловлари Камбағалликни қисқартриш давлат мақсадли жамгармасига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тижорат банкларига қоплаб берилади. “Давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифаларидан “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтганларга уларнинг ижтимоий реестрдаги аввалги тоифаси учун қонунчиликда назарда тутилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кейинги ўн икки ой муддатда фойдаланиш ҳуқуқи билан сақлаб қолинади.

Фармонга мувофиқ, оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган жами ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларининг бир бараваридан бир ярим бараваригача бўлган оилалар камбағаллик чегарасидаги оила деб белгиланди. Илгари ушбу тоифадаги оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўланмаган. Янги тизимга кўра, ушбу оилаларга шундай тўловлар 6 ой давомида оиланинг даромади қараб тўланади. Бунда оиланинг даромади минимал истеъмол харажатларининг 1-1,25 бараваригача бўлганда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам 75 фоиз, минимал истеъмол харажатларининг 1,25 -1,5 бараваригача бўлганда 50 фоиз миқдорда тўланади. Аввалги тартиб бўйича даромади минимал истеъмол харажатида ошган оилаларни, гарчи кўмакка эҳтиёжи бўлса-да, реестрларга киритишнинг имкони йўқ эди. Энди ушбу ҳолат бартараф этилиб, “маҳалла еттиллиги”га оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларни тавсия асосида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритиш ҳуқуқи берилди. I ва II гуруҳ ёки болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс бор оилалар, боқувчисини йўқотган ёки боласини ёлғиз тарбиялаётганлар, ўзгалар



парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз шахслар, оила аъзоси муддатли ҳарбий хизматда ёки жазони ижро этиш муассасасида бўлган оилалар бу жараёнда алоҳида эътиборга олинади.

Қолаверса, оила аъзоси психиатрия, наркология, сил касалликлари диспансерида ёки онкология марказларида рўйхатда бўлган, гематология, иммунология, жигар, буйрак етишмовчилиги каби оғир касалликка чалинган аъзоси бор оилалар, ёнғин, бахтсиз ҳодиса, табиий ёки техноген фавқулодда вазиятлардан жабрланган оилалар “маҳалла еттиллиги” тавсияси асосида ижтимоий кўмакдан баҳраманд бўлиши мумкин. Бу имконият туфайли оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган 120 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оила Ижтимоий реестр билан қамраб олинади.

Аҳолининг эҳтиёжманд қисmini қўллаб-қувватлаш бўйича давлатимиз томонидан яратилаётган бундай кўмак ва ёрдамдан баҳраманд бўлиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz), Давлат хизматлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, маҳаллалардаги ижтимоий ҳодимлар ва ижтимоий карта мобил иловаси орқали ариза бериш имконияти яратилди.

Мурожаат қилувчилар Ижтимоий реестрга киритиш тўғрисидаги аризасида болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш билан бирга оиланинг бошқа эҳтиёжларини ҳам баён этиши мумкин. Аризасида кўрсатилган эҳтиёжлардан келиб чиқиб индивидуал режа ишлаб чиқилади ва шу асосда оиланинг барча ижтимоий муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилади.

Яна бир аниқлик эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш услубиятига киритилган ўзгартирилган билан боғлиқ. Амалдаги тартибга асосан, ўзини ўзи банд қилган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 2 баравари миқдориде даромад ҳисобланади. Ваҳоланки, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари ва бошқа аҳоли пунктларида ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромад топиши чекка худудлардаги ўзини ўзи банд қилган шахсларникига нисбатан юқори. Энди ўзини ўзи банд қилган фуқароларга даромад миқдорини ҳисоблаш табақалаштирилиб, худудига қараб белгиланади. Аёллар учун даромадлар миқдори мос равишда камайтирилди. Натигада ўзига тўқ оилалар реестрга тўлиқ қилишининг олди олинади.

Фармон асосида, шунингдек, жорий йилда ногиронлиги бўлган 40 минг шахснинг расмий бандлигини таъминлаш ва уларга барқарор даромад манбаини яратишга қаратилган “Тенг имкон — инклюзив бандлик” дастури амалиётга жорий этилади. Дастур доирасида ногиронлиги бўлган шахсларга бандлигини таъминлаш учун зарур жиҳозлар, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат қуроллари, хомашё харид қилиш, интернет хизматларига улуши, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамгармасидан 3 йилгача муддатта олти ойлик имтиёзли давр билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача фоизсиз ссуда ажратилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БИЗ ДУНЁГА ОЧИЛДИК, ДУНЁ БИЗГА ЮЗЛАНДИ

Тараққиёт мезони



Ахмаджон МЕЛИБОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бошланиш 1-бетда

Йиллар занжири узлуксиз уланиб бораверади. Вақт тархисимизни айланади. Бир қарашда ҳаммага бир хил имконият берилгандек. Аммо миллий тараққиёт йўлини аниқ белгиланган, бу йўлда ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилаётган, огоҳликни кўлдан бермаган, ютуқларидан эсанкирамай, баланд марраларни кўзлаган халққина ўзининг буюк келажagini таъминлай олади. Бу жараёндаги қисқа фурсатли тўхталиш ҳам умумий шиддатни усайтиради.

Ҳа, вақт шиддат билан ўтиб боради. Тарихга айланаётган йиллар истиқлол соломасида ўзининг салмоқли изини қолдиради. Аммо ҳаётда шундай йиллар, қисқа даврлар ҳам бўладики, улар моҳиятдан йиллик ёки ойлик вақт, баҳо ўлчовига сиғмайди. Бугун халқро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзосига айланган Ўзбекистоннинг кейинги ўн йилдаги жасоратли ишлари, маънавий юксалиш, иқтисодий барқарорлик борасида қўлга киритаётган ютуқлари дунё эътиборини ўзига қаратаётгани боиси шунда.

Ўзбекистон 2017 йилдан бошлаб ўчки ва ташқи сиёсатда жиддий янгиланиш йўлига ўтди. Иқтисодиёт эркинлашди, тадбиркорликни давлат даражасида қўллаб-қувватлаш бошланди, валюта конвертациясига йўл очилди. Янада муҳим, халқ билан бевосита мулоқот қилиш, фикр-мулоҳазаларига қўлоқ тутиш, ўринали тақлиф ва ташаббусларни инобатга олиш Президентимиз сиёсатида ўз ифодасини топти. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва билимини ошириш, коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши кураш бирламчи, кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Ташқи сиёсатда, аввало, узоқ-яқин қўшнлар билан муносабатларимиз яхшиланди, музлар кўчди, гиналар унутилди. Хорижий инвесторларга йўл очилди, уларга ҳуқуқий кафолатлар берувчи қонунлар қабул қилинди. Бугун наинки

биз, балки дунё ҳамжамияти ҳам мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларининг реал натижаларини яққол кўриб турибди. Эркинлик ва очиклик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг ўзак йўналишига айланди. “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойил Конституция даражасида мустақкамланди. Бу йўналишга доир баъзи рақамларга эътибор берсак.

Шу ўн йилликда давлат бюджетидан таълим ҳамда тиббиёт соҳасига ажратилган маблағ ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бундан ўн йил аввал мактабгача таълим қамрови 27 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 76 фоизга етди. Олий таълим соҳасидаги қамров 9 фоиздан 42 фоизга ўсди. 180 мингга яқин оила арзон уй-жой билан таъминланди. Аҳоли учун йўнатирилаётган ипотека кредити миқдори тўрт баробар ошди. 2025 йили 302 минг оила камбағаллик ҳолатидан чиқди. Мамлакатимиз тез ва барқарор ривожланаётган давлатлар сафидан жой олди.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати мамлакатимизнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланганини хорижий давлатлар етакчилари ва халқро экспертлар расман эътироф этмоқда. Бунинг боиси шуки, Ўзбекистоннинг принципал ташқи сиёсати халқро муносабатларда юксак баҳоланди. Ўтган йили стратегик аҳамиятга эга бир неча ижтимоий-сиёсий воқеа юз бергани Ўзбекистоннинг халқро майдондаги мавқенини сезиларли даражада кўтарди.

Марказий Осиёдаги улкан ўзгаришлар, ягона мақсад йўлидаги реал қадамлар, мамлакатимизнинг Туркий тили давлатлар кенгаши фаолиятидаги етакчи ва ташаббускорлиги, давлатимиз раҳбарининг узоқ ва яқин давлатларга, жумладан, АҚШ ва Японияга расмий сафарлари натижаси фикримиз исботидир. Бу жараёнда Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим, гоёт чигал халқро муаммоларини ҳам тинч, музокаралар йўли билан ҳал қилиш тўғрисидаги тақлифлари эътиборга тушди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКСЕВАР ТАШҚИ СИЁСАТИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”ГА АЙЛАНГАНИНИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ВА ХАЛҚРО ЭКСПЕРТЛАР РАСМАН ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА.

Ўзбекистон айна пайтда АҚШ, Хитой, Туркия, Европа Иттифоқи ва Яқин Шарқ мамлакатлари диққат марказида турибди. Мамлакатимизга қизиқиш гоёт катта. Биз билан ҳамкорлик қилишни хошлаётганлар кўп. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо айланмаси сўнгги беш йилда икки баробардан ошди. Франция, Германия, Бельгия ва Италия компанияларининг тўқимачилик, қайта тикланадиган энергия, логистика каби соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари кенгайди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган мингдан зиёд Европа қўшма корхоналарининг умумий сармоиси 40 миллиард еврога баҳоланмоқда.



орқий АҚШ компанияси фаолият юритаётгани қайд этилган.

2026 йил 22 январда Дональд Трамп Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган Жаҳон иқтисодий форумида ўзининг ташаббуси билан тузилаётган Тинчлик кенгаши тақдирини ўтказди. Ушбу кенгаш аъзоларига Ўзбекистоннинг тақлиф этилиши ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори янада ошаётганини исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг Покистон Ислум Республикасига расмий ташрифи чоғида имзоланган ўзаро ҳамкорликка доир муҳим ҳужжатлар, келишувлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик алоқалари узоқ тарихга бориб тақаллишни намойиш этди. Ўзбекистон раҳбари ва халқимизга эътиром, дунё ҳамжамиятида юртимизнинг бутунги балан мавқеи, халқро майдонда ишончли шерика айланиб бораётгани алоҳида эътироф этилди. Покистон раҳбарлари Ўзбекистоннинг минтақада тинчликни сақлаб қолтириш, ҳар қандай низоларни тинч йўл билан бартараф этиш борасидаги қатъий позицияси, бу жараёнга қўшаётган салмоқли хиссасини тақдор-тақдор тилга олди. Давлатимиз раҳбарига “Дўстим, биродарим”, деб мурожаат қилинди.

Ўзбекистон фақат бугун эмас, авваллари ҳам халқро майдонда айна шу позицияда фаолият кўрсатган. 1966 йил 10 январь куни Тошкентда Ҳиндистон Бош вазири Лал Бахадур Шастри ва Покистон Президенти Аюбон имзоланган декларация икки мамлакат ўртасидаги низоли тўхталиш, томонларни муроасага келтиришга асос бўлди. Шунингдек, Ҳиндистон ва Покистоннинг машҳур аёл раҳбарлари — Индира Ганди ҳамда Беназир Бхутто ҳам ўзаро тинчлик-тотувликка эришишни оруз қилган эди...

Кўз ўнгимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар фақат иқтисодиёт, халқро муно-

сабатлар билан чекланаётгани йўқ. Биз узоқ йиллар тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрғана олмадик, улуг аждодларимиз қолдирган маънавий меросдан бебаҳра яшадик. Собиқ тузум мафқураси бунга йўл бермади. Бу мафқура бизни Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбобидан, теумурийзодалар маърифатидан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Қафқол Шоший, Бурхониддин Марғинони, Нажмиддин Кубро, Шайх Хованди Тохур каби алломалардан узоқлаштирди.

Бундай улуг ва мўътабар зотларнинг мероси хорижий давлатларда мозишчун олимлар томонидан қўнб илган ўрганилаётган, илмий анжуманлар ўтказилаётган, асарлар ёзилаётган бир пайтда бизда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишиларнинг онига даҳрий доҳийларнинг коммунизм ҳаққидagi чўпчаклари сингдирилди. Халқимизнинг неча асрлик миллий қадриятлари оёқости қилинди, тилимиз ва динимиз таҳқирланди. Маъно-моҳиятга кўра юрт тинчлиги, Ватан равнақи, фаровонлик, миллатлараро тотувлик, эътиқод эркинлиги, бағрикенглик тушунчаларини ифодалайдиган истиқлол гоёси бундай гайрихалқоний сиёсатга барҳам берди.

Бугун мамлакатимизга келиб, Тошкентдаги маҳобатли Ислум цивилизацияси марказини, Самарқандда Имом Бухорий ҳазратлари номида бунёд этилган фуқаро мажмуани кўрган киши янги Ўзбекистонни, бу юрт одамларининг қалби, улуг аждодларга чексиз эҳтирми, давлатимиз раҳбарининг бардавом халқчил сиёсати моҳиятини аниқ тасаввур этади.

Конституциямизда мамлакат фуқароларининг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишининг қатъи назар, тенг ҳақ-ҳуқуққа эгаллиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда умрғузронлик қилаётган ҳар бир инсон юртимизда ўтказилаётган ва яқин келажак учун кўзда тутилаётган ислухотлар, энг аввало, оиласи ва фарзандлари, давлатимиз фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан аниглаб этиши ниҳоят муҳим. Бунинг учун ҳар бир киши бугунги тезкор ва талабчан даврдан ортада қолмай, ўзининг ҳуқуқий маданияти ва хабардорлик даражасини, ислухотлар сарамаси учун ижтимоий масъулият туғиусини янада ошириши, фуқаро сифатида фаол бўлиши, жамият ҳаётини, дунёда, ён-атрофиди юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берақ бўлмаслиги, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри аниглаши ва тўғри хулоса чиқариши лозим.

Ҳар бир халқ фақат эркин ва овоз бўлсагина ўз ҳаёти ва келажagini мустақил барпо этиш ҳуқуқи ҳамда имкониятига эга бўлади. Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳаққида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон”, “Чинчи Ренессанс” иборалари тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда миллий тарққиётнинг мутолқа янги босқичга қадам қўяётганимиз, эришаётган залворли ютуқларимиз, улуг ниятларимизнинг дунё даражасидаги эътирофидир. Чунки Ўзбекистон қисқа муддатда ташқи дунёга очик макон, ишончли ҳамкор, бағрикенг, саховатли, тинч-тотув диёр сифатида бўй кўрсатди. Халқро ижтимоий-сиёсий муносабатларда фаолашди. Ўзининг ишончли, дўста сadoқатли, тинчликсевар, инсонпарвар имижини яратди. Бу қўлтуғ жараён бундан буён ҳам изчил давом этиши шубҳасиз.

Нуктаи назар

Давлат тараққиётини аниқлашда баъзан иқтисодий кўрсаткичлар, инфратузилма ёки ишлаб чиқариш ҳажмлари асосий мезон сифатида қабул қилинади. Аммо тарих тажрибаси кўрсатадики, тараққиёт, аввало, давлатнинг ўзини аниглаши, дунёдаги ўзгаришларга муносабати ва келажакка нисбатан қандай фалсафани таянлаши билан белгиланади. Давлатимиз раҳбари 2 февраль куни Навоий халқро аэропорти фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда авиация корхоналарини трансформация қилиш бўйича тақдирот билан танишишда ҳам бу соҳадagi ишларга янгича ёндашувни илгари сурди.

Авиация соҳаси замонавий дунёда аллақачон оддий транспорт тармоғи эмас. У давлатнинг ҳаракат тезлиги, очиклик даражаси, технология салохияти ва бошқаруви маданиятини акс эттирувчи кўзгуга айланган. Қайси давлат авиацияни ривожлантира оласа, ўша давлат иқтисодий маконда фаол, сиёсий майдонда ишончли ва инсон капитални жиҳатидан рақобатбардор бўлади. Шу боис, фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш масаласи мамлакат иқтисодиётининг алоҳида соҳаси эмас, балки миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш жараёнида давлат нафақат самарадорликни оширишга, балки халқро

ТЕЗЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН ЙЎЛ

стандартларга мос, рақобатбардор ва устувор вазифалар асосида фаолият юритадиган тизимни шакллантиришга интилади. Бу жараён орқали давлат корхоналари ўз молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бирга инновацияларни қабул қилиш, кадрлар малакасини ошириш ва рақамлаштириш каби муҳим масалаларда ҳам олдинга чиқди. Шу маънода, авиация трансформацияси бугунги кунда миллий иқтисодий ва стратегик масалаларни ҳал қилишда муҳим омилдир.

Тақдиротда фуқаро авиацияси корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бугунги кунда самарадорлик ҳар қандай ислухотнинг марказий тушунчасига айланди. Давлат иштирокидаги корхоналар самарасиз ишлаша, бу иқтисодий йўқотишлар ҳамда жамиятда давлатга ишончининг усайишига олиб келади. Шу нуктага назардан, ҳаражатларни қисқартириш ва ресурслар оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар давлат бошқарувида янги иқтисодий тафаккур шаклланаётганини кўрсатади. Бу эса фақат иқтисодий самара учун эмас, балки давлат корхоналарини бозор қонунлари асосида ҳисобдор тарзда фаолият юритишга тайёрлаш демакдир. Қўллаб-қувватловчи хизматлар самарали бошқарилганда, асосий фаолиятга эътибор кучаяди ва иш сифатини ошириш имконияти юзага келади. Шу йўл билан давлат нафақат ҳаражатларни қисқартириши, балки корпоратив маданият ва ҳисобдорлик тамойилларини ҳам мустақкамлайди.

Бу ерда гап фақат тежамкорлик ёки ҳисоб-китоб ҳаққида эмас. Бунда давлат корхоналарини бозор қонунлари асосида ишлайдиган, натижа учун жавоб берадиган ва ўз молиявий барқарорлигини мустақил таъминлай оладиган институтларга айлантириш мақсади ётади. Бундай ёндашув давлатнинг иқтисодиётдаги ролин кўрсатиб, маъмурий назоратдан стратегик ҳамкорлик моделига ўтишини белгилайди.

Энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва электр энергиясида ҳаражатланувчи махсус транспорт воситаларидан фойдаланиш орқали эксплуатация харажатларини камайитириш масаласи чуқур маънога эга. Чунки бугун тараққиёт фақат иқтисодий самара билан эмас, балки экологик масъулият билан ҳам ўлчанади. Атроф-муҳитга муносабат давлатнинг келажак авлод олдидagi ахлоқий позициясини белгилайди. Авиация соҳасида “яшил” технологияларга ўтиш ҳозирги кун манфаатларига эмас, балки узоқ истиқболга қаратилганини кўрсатади.

Жорий йилдан бошлаб “Uzbekistan Airways”, “Uzbekistan Airports” ақциядорлик жамиятлари томонидан носоҳаий фаолиятни молиялаштириш тўхталиши давлат бошқарувида аниқ устуворликлар белгилаб олинаётганидан далолат беради. Бу авиация корхоналари ўз диққатини асосий вазифасига, яъни хавфсиз, сифатли ва рақобатбардор хизмат кўрсатишга тўлиқ қаратиши лозим. Фаолиятни “Uzbekistan Airports” 18 ва “Uzbekistan Airways” эса 16 та устувор вазифа асосида амалга ошириши тизимли фикрлаш ва аниқ режалаштириш маданияти қарор топаётганини аниглади.



Хизматлар сифатини ошириш, хизмат ва махсулот таннархини ҳисоблашда мақбул методологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичларини рақамлаштириш каби вазифалар авиация соҳасини янги технологик босқичга олиб чиқди. Рақамлаштириш фақат автоматлаштириш эмас, балки қарор қабул қилиш тизимини шаффоф, тезкор ва аниқ қилиш демакдир. Бу орқали давлат иқтисодиётида самарадорлик, ҳисобдорлик ва очиклик тамойиллари мустақкамланади.



Трансформация доирасида ташкилий тузилмаларни қайта кўриб чиқиш ва штат бирликларини мақбуллаштириш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараён инсон ресурсига муносабатни тубдан ўзгартаришни талаб қилади. Самарали тизимда натижа, ташаббус ва масъулият устувор бўлади. Бу эса меҳнат маданиятида сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишни аниглади. Давлат корхоналарини инсон капиталига инвестиция қилиш натижасида узоқ муддатли барқарорлик таъминланади.

Халқро кредит рейтингларини ошириш, IPOга чиқиш ва корпоратив халқро облигацияларни жойлаштириш режалари авиация корхоналарини халқро молиявий майдонга олиб чиқишга қаратилган. Бу қадамлар давлат корхоналари фаолиятини халқро стандартлар асосида баҳолаб, очик ва ҳисобдор тизимга айлантиради. Бу эса инвестиция муҳитини яхшилаш билан бирга мамлакатнинг иқтисодий имижига ҳам ижобий таъсир этади.

Авиация соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш масаласи трансформациянинг энг муҳим асосидир. Чунки ҳар қандай технология ёки инфратузилма марказида инсон туради. Фуқаро авиацияси университетини ва авиация техникуминини ташкил этиш, уларни дунёдаги етакчи таълим марказлари билан ҳамкорликда ривожлантириш орқали давлат келажакни шакллантироқда. Бу ерда фақат мутахассис тайёрлаш эмас, балки янги тафаккурга эга авлоднинг камол топтириш мақсади қилинган.

Учувчилик, муҳандислик, ҳаво ҳаракати диспетчерлиги, авиация бошқаруви каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш авиацияни юқори интеллектуал соҳа сифатида ривожлантиришга хизмат қилади. Илмий дастурларни жорий этиш эса авиация соҳасини инновация манбаига айлантиради. Бунинг натижасида мамлакат янги билим ва технология яратувчи давлат сифатида шаклланади. Ҳар қандай ислухотнинг муваффақияти унинг ортида қандай сиёсий қатъият ва жамоавийлик тургани билан белгиланади.

Бир сўз билан айтганда, авиация корхоналарини трансформация қилиш соҳавий ислухот эмас, аксинча, давлатнинг дунёдаги ўрнини белгилаши ва келажак олдидagi масъулиятини аниглаган ҳолда ҳаракат қилиши демакдир. Бу жараён тезлик, самарадорлик ва масъулиятни уйғунлаштирган йўлдир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Долзарб мавзу

ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИ МАДАНИЯТИ

БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗДА
КАТТА ТАЪСИРГА ЭГА

Энергия самардорлигини ошириш ва энергетика бозорини изчил ривожлантириш sanoat тармоғига тегишли одатий вазифа эмас, балки ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим жиҳатларини акс эттиради. Бошқача айтганда, энергетика sanoat, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳа, энг муҳими, аҳоли турмуш сифатининг асоси ҳисобланади.



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Самарали фойдаланилган ҳар бир киловатт иқтисодиётдаги харажатларни камайтириш, рақобатбардорлигини ошириш ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Энергиятежамкор иқтисодиёт бир вақтининг ўзида бир неча стратегик афзалликларни ўзида мутасаммад этади.

Биринчидан, маҳсулот ва хизматлар таннархи пасасди. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Иккинчидан, бюджет ва тадбиркорлик тармоқларининг модернизация, инновация ва ижтимоий дастурлар учун йўналтирилган молиявий ресурслари ҳажми ошади.

Учинчидан, инвестициялар учун жозибador бўлган янада мослашувчан энергия бозори шаклланади.

Яна бир муҳим жиҳати, энергия самардорлиги экологик барқарорлик, чиқиндилар

ни камайтириш ва халқаро мажбуриятларни бажаришда алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт энергияни минтақадан энг кўп талаб қиладиган тармоқлардан бирига айланб қолган, ускуналарнинг катта қисми ҳар жиҳатдан эскиргани ҳам бор гап. Маъмурий бошқарув модели устувор бўлиб, ресурсларни тежайдиган бозор имтиёзлари деярли йўқ эди. Жорий тарифлар узоқ вақт давомида энергиянинг асл қийматини белгилаб беролмас, бу эса инвестиция ва модернизация жараёнига таъсир қилмасдан қолмасди. Натижада тармоқларда юқори технология йўқотишлар бўлиб, энергия ҳисоби талабга жавоб бермас, хусусан секторнинг sanoatдаги иштироки чекланган эди. Буларнинг барчаси энергия таъминотининг барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қиларди.

2017 йилдан бошлаб вазият кескин ўзгарди. Президентимиз ташаббус билан энергетика соҳасини ривожлантириш, тежамкор технологияларни жорий этиш ва замонавий энергия бозорини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Маъмур тармоқда кенг қўланилган иқтисодлар дари бошланди. Қонуңчилик базаси янгиланмоқда, энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва сотиш функциялари бир-биридан ажратилди. Рақобатни таъминлаш ҳамда хусусий сектор, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратилди.

Янги ишлаб чиқариш қувватлари, жумладан, кўёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Иссиқлик электр станциялари ва тармоқлари модернизация

қилинати. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг энергия юкласини камайтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Энергия самардорлигининг замонавий стандартлари жорий этиляпти. Бухгалтерия ҳисоби рақамлаштирилиб, “ақлли” ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Sanoat ва уй-жой, коммунал хўжалигида энергия тежамкорлиги рағбатлантирилмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида сўнгги беш йилда 6 минг мегаваттлик кўёш, шамол ва гидроэлектр станциялари ишга туширилгани, умумий генерацияда “яшил” энергия улуши 30 фоизга етганини қайд этди. Шунингдек, яқинда жами 3,5 минг мегаваттлик 4 миллиард 200 миллион долларлик янги “яшил” қувватлар қурилишига старт берилгани, натижада 2026 йилнинг ўзида 7 миллиард куб метр табиий газ тежаланиши ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқилишининг олдини олиниши маълум қилди.

Дарҳақиқат, энергетика тизимининг ислоҳ қилиш доимий назоратда. Ўзбекистоннинг энергетика сектори мамлакатнинг изчил, узоқ

муддатли иқтисодий ўсиши, рақобатбардорлиги ва барқарор ривожланишининг устувор йўналишларидан бирига айланяпти.

Давлатимиз раҳбари 14 январь куни энергия самардорлигини ошириш ҳамда электр энергияси таъминотида бозор механизмларини жорий этиш юзасидан ўтказилган тақдиротда Ўзбекистон энг кўп энергия сарфлайдиган мамлакатлар қаторига кириши қайд этилди.

Хусусан, республикада биололарнинг яқиний энергия истеъмолидаги улуши қарий 50 фоизни ташкил этиб, бир квадрат

метрга тўғри келадиган энергия сарфи Европа мамлакатларига нисбатан бир неча баробар юқори. Шу боис, ўтган йилда энергия самардорлиги соҳасидаги ислоҳотларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида алоҳида агентлик ташкил этилгани, ушбу тузилмага 2030 йилга қадар иқтисодиётда энергия сарфини камида 20 фоизга, давлат идоралари ва ижтимоий объектларда эса энергия истеъмолини 15 фоизга қисқартириш вазифаси юклатилган.

Тақдиротда агентликнинг 2026 йилдаги фаолияти режалари кўриб чиқилди. Мамлакатимиздаги биололарнинг катта қисми ўтган асрнинг 60-70-йилларида қурилган, уларда энергия сарфи даражаси юқориликча қолмоқда. Шу боис, ижтимоий объектлар ва аҳоли турар жойларини энергия самардор объектга айлантириш бўйича кенг қўланилган ишлар режалаштирилган.

Жорий йилда бунга 150 миллиард сўм субсидия ва компенсация маблағи йўналтирилди. 30 мингга яқин ижтимоий объектларнинг энергия самардорлигини оширишда халқаро молия институтлари иштироки ва хусусий сектор инвестицияларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

“**ЖОРИЙ ЙИЛДА БУНГА 150 МИЛИАРД СЎМ СУБСИДИЯ ВА КОМПЕНСАЦИЯ МАБЛАҒИ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ. 30 МИНГГА ЯҚИН ИЖТИМОЙ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУРЛИГИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ.**”



Коррупция – жамият танасидаги саратон

“ЎЧОҚДАГИ ОЛОВ” ШУЪЛАСИГА УЧМАНГ



Абдуманноб РАҲИМОВ,
Конституциявий суд судьяси,
юридик фанлар доктори

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий “Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир”, деб ёзганида жуда ҳақ эди. Зеро, ўтмиш таъриби хато ва сабоқлардан хулоса чиқариб, нотўғри ёндашувларни тақдорламастик муайян йўналишда ишни тўғри ташкил этишга замин яратади.

Гапни бу тақдир хулосали жумладан бошлаганимиз беиз эмас, албатта. Чунки кунда фикр юритадиган мавзунимиз — коррупцияга қарши кураш ҳам тарих сабоқларидан хулоса чиқариб иш кўришга муҳтож йўналишлардан.

Уч минг йилдан ортқ миллий давлатчилик тарихимиз, умуман, бутун дунё тарихи шундан далолат берадики, ўтмишнинг қайси замон эки макон бўлишидан қатъи назар, қаердаки коррупция иллоти иддиз отган

бўлса, ўша давлат эки жамият муқаррар таъназулга юз тутган. Демак, бундан хулоса шуки, тараққий этишни мақсад қилар эканмиз, бу истагимиз рўёбга чиқиши учун, биринчи навбатда, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муҳит шаклланиши зарур.

Эътиборлики, мамлакатимизда кейинги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк мақсадлар йўлидаги ислоҳотлар доирасида тараққиётни сусайтирувчи, иқтисодиётга, одамларнинг ҳаёт сифатига тўғридан тўғри салбий таъсир этувчи ушбу иллатта нисбатан жамиятимизда муросасизлик муҳити қарор топиб бормоқда. Коррупцияга қарши кураш тизими ва узлуқсиз тус олгани эса янада қувонарли.

Жумладан, Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида бунга алоҳида тўхталиб, тараққиёт кушандиси — коррупцияга қарши кураш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилгани фикримиз тасдиғи.

Коррупция иллоти бутун пайдо бўлган эмас. Бунинг тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Фикримизча, инсон яралибдики, бу иллат бор ва ҳозирга қадар у билан бирга “яшаб” келмоқда. Бошқача айтганда, коррупция — инсон нафсининг ҳосиласи.

Инсон нафси худди “ўчоқдаги олов” каби. Инсон нафси худди “ўчоқдаги олов” каби. Аввалда шуъласига маҳлиё бўласиз, сўнгра истаисизми-йўқ, унинг домига тортилиб бораверасиз. Охир-оқибат у сизни бадном қилади.

Коррупция иллоти ҳам худди шунинг ўзи. У даслаб ўзининг молу дунё, орзу-ҳавас, шохона турмуш каби аздамчи, бироқ “бетакорр шуъла”сига маҳлиё қилади. Улар шунчалки жозибadorки, нафс у томон тинимсиз тортиқлайди ва охир-оқибат коррупцияга етақлайди. Коррупциянинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам эътиқодимизга кўра салбий жиҳатларидан келиб чиқиб, жорий йилда унга қарши кураш бўйича “фавқулодда ҳолат” эълон қилингани айти мудоа бўлди. Чунки



“**КОРРУПЦИЯ ИЛЛАТИ БУГУН ПАЙДО БЎЛГАН ЭМАС. БУНИНГ ТАРИХИ ЖУДА УЗОҚ ЎТМИШГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. ФИКРИМИЗЧА, ИНСОН ЯРАЛИБДИКИ, БУ ИЛЛАТ БОР ВА ҲОЗИРГА ҚАДАР У БИЛАН БИРГА “ЯШАБ” КЕЛМОҚДА. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, КОРРУПЦИЯ — ИНСОН НАФСИНИНГ ҲОСИЛАСИ.**”

бу қарорни мамлакатимизда коррупцияга қарши курашининг янги тизими сифатида тушуниш лозим.

Умуман олганда, кейинги йилларда коррупцияга қарши таъсирчан чоралар кучайтирилди. Аввало, бугунги шиддатли ислоҳотларга старт берилган паллалар — 2017 йилда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонун, кейинчалик Президентимизнинг бир қанча фармон ва қарорлари қабул қилиниб, бу иллатга қарши кураш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилди.

Узоққа бормайлик, Коррупцияга қарши курашнинг миллий кенгашининг 2025 йил 5 март куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида белгиланган устувор вазифа-

лардан келиб чиқиб, Президентимизнинг парламент ва фуқаролик жамияти институтларини унга қарши кен сафарбар этиш мақсадида қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинишига ҳуқуқий асос бўлди.

Ҳужжатда коррупцияга қарши курашнинг устувор вазифалари билан бирга уларнинг узлуқсиз ва тизимли давом эттирилиши ҳам таъминлаш бўлиб кўрсатилди. Дарҳақиқат, коррупцияга қарши кураш мавсумий тадбир бўлмаслиги лозим. Унга қарши кураш бир

оз бўлса-да сусайди, бу бутун мамлакат тараққиётига фов бўлади. Аҳолининг давлат бошқарувида, улан ислоҳотлар ва келажакка ишончини йўққа чиқаради. Энг ёмони, шу тарихда жамият парокандаликка юз тутди.

Хўш, “фавқулодда ҳолат” бизлардан нима талаб қилади, бурун ва мажбуриятларимиз нима-лардан иборат? Ахир коррупцияга қарши кураш мавсумий эки шунчаки тадбир эмаслигини юқорида айтдик-ку.

Фикримизча, бу масалага ҳар ким виждонан ёндашиши лозим. Чунки у фақат давлат ҳуқуқ-тартибот органларининг иши эмас. Бу иш жамиятимизнинг барча аъзолари, шу ватаннинг ҳар бир онли фуқароси, фарзандлари келажакка бефарқ бўлмаган инсонларнинг кунлик вазифасига айланмоғи керак.

Конституциявий суд коррупцияга қарши қандай курашади ва унинг фаолияти, асосий вазифалари нималардан иборат? Шу тизим аъзоси сифатида айти саволга ҳам тўхталиб ўтсам.

Конституциявий суднинг муҳим жиҳати шундаки, у норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияда мумофиқлигини аниқлар экан, бунда Конституцияга нормасига зид, айрим ҳолларда коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келадиган нормаларни ўз вақтида аниқлайди ва бартароф этади. Конституция устуворлигини таъминлаш баробарида коррупция ҳолатларининг олдини олади.

Президентимизнинг 2025 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада тақомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони тарихий аҳамиятга эга ҳужжат сифатида конституциявий назорат институтининг янги даврини бошлаб берди.

— Йиғилишда биололарни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда энергия самардорлик стандартлари ва таъсирчан қодаларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, — дейди Энергия самардорлиги миллий агентлиги директори Зиёвдин Бадриддинов. — Бу йилги инвестиция дастури доирасида 770 та ижтимоий объект энергия самардорлик стандартлари асосида модернизация қилинади. Бунга халқаро молия институтларидан 264 миллион доллар маблағ жалб этилади. Шу билан бирга, энергияни тежаш орқали даромад олиш механизмлари — энергия сервис компанияларининг хизматларини (ESCO) ривожлантириш ва ушбу бозорни шакллантириш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, биололарни энергия аудитдан ўтказиш, энергия самардорлик стандартлари асосида лойиҳалаш ва моделлаштиришда рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллект имкониятларини кенг қўллаш режалари ҳақида ахборот берилди. Sanoat соҳасида ҳам энергия тежамкорлигини ошириш бўйича аниқ режалар белгиланган. Жумладан, жорий йилда 142 та тўқимачилик корхонасига кўёш панелларини ўрнатиб, 722 миллион киловатт-соат электр энергияси ва корхоналарнинг 693 миллиард сўм маблағи тежаланиш кутилмоқда. Ичимлик сув таъминоти тизимида 300 та насосни янгилаш режалаштирилган. Марказлашган иссиқлик таъминоти тизимида мавжуд муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Қайд этилганидек, айти пайтда иссиқлик қозонхоналари ва тармоқларининг бир қисми эскириши оқибатида энергия йўқотишлари юқори даражада қолмоқда. Шу боис, жорий йилда иссиқлик қозонхоналари ва тизимларини модернизация қилиш, уларни “ёпиқ тизим”га ўтказиш доирасида 400 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш ҳамда камида 100 километр иссиқлик тармоқларини янгилаш кўзда тутилган.

Аҳолига энергия етказиб бериш самардорлигини таъминлаш бўйича давлат томонидан барча чора-тадбирлар амалга оширилиши баробарида аҳоли тарафидан ҳам энергия тежамкорлигининг кундалик турмуш тарзига айлантирилиши самардорлигининг муҳим шартларидан биридир. Бунда энергия истеъмоли маданиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятда энергия тежамкорлик маданияти қанчалки кучайса, мамлакатда энергия самардорлиги ҳам шунчалки ортиб боради. Масалан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўзига яшаш учун уй-жой кураётган чоғида, уни электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланадиган қилиб режалаштириши, энергияни эҳтиёжга яраша сарфлашининг барча усул ва воситаларининг таътиб этиши жуда муҳим.

Ўз навбатида, қурилиш ташкилотлари ва давлат идоралари ҳам кўп қаватли уйлар эки маъмурий биололар қурилишини бошладан аввал айтиан энергия тежамкорликка асос бўладиган жиҳатларини инобатга олиши зарур.

Энергия тежамкорлик маданиятини шакллантириш кичик ёшдан, оилада, мактабда ва умуман, жамиятда бошланиши керак. Олдин кундалик юмушлар, масалан, энергиятежамкор ускуналардан фойдаланиш, эҳтиёж бўлмаганда электр жиҳозларини қувват манбаидан узиш, иситиш ва ёритишдан оқилона фойдаланиш бора-бора тарбиянинг ажралмас қисмига айланади ва ҳар биримизга, пиروвардида мамлакатта ҳам сезиларли фойда келтиради.

Кейинги йилларда Конституциявий суд фаолиятини тақомиллаштириш борасида салмоқли ислоҳотлар кечмоқда. Илк маротаба конституциявий шикоят институти жорий қилиниши соҳа ривожидида катта қадам бўлди. Ҳозирги кунда фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин. Бироқ уларнинг Конституциявий судга мурожаат қилишининг тартиби бор. Бу қандай амалга ошади?

Агар суд орқали ҳимоя қилиниши бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилишга ҳақли. Аҳамият беринг, фуқаролар ва юридик шахслар фақат судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин.


Бироқ улар Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига агар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бузилса, ўша норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин.

Фармоннинг муҳим жиҳати шундаки, эндиликда Конституциявий судга тўғридан тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқи субъекти бўлмаган фуқаро эки юридик шахс томонидан Конституциявий судга тааллуқли масала юзасидан йўналган мурожаатни Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектга юбориш тартиби жорий қилинди. Бу билан келгусида Конституциявий суд ваколатига тааллуқли барча масалалар юзасидан фуқаро эки юридик шахслар судга мурожаат қилиши мумкин. Бунда фуқаро ва юридик шахсининг мурожаатида келтирилган масала ҳақиқатан асосли бўлса ва бу Конституциявий суд томонидан ўрганилганда лозим даражада ўз тасдиғини топса, шундангина фуқаро эки юридик шахсининг мурожаати Конституциявий суд томонидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектга юборилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, ҳоқ мансабдор шахс, ҳоқ оддий фуқаро коррупцияга муросасиз бўлиши шарт. Ана шунча жамиятда бирдамлик, ислоҳотларга ишонч ортади ва қўзланган катта мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Мустақил давлат шаклланиши ва мустақамланишида юз йилларга татигулик бурилиш нукталари бўлади. Шу маънода 2016-2026 йиллар, шубҳасиз, янги Ўзбекистон солномасига буюк "интеллектуал юксалиш" ва Учинчи Ренессанс пойдевори кўйилган давр сифатида олтин харфлар билан битилади. Ушбу давр Президентимизнинг қатъий ирода ва шижоати асосида узоқни кўзлаб амалга оширилган мисли кўрилмаган молиявий, таркибий ва ментал ўзгаришлар билан характерланади. Агар статистик маълумотлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бюджет ажратмалари ҳажми чуқур, илмий асосланган ҳолда қиёсий таҳлил қилинса, тарихан қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон таълим ўринлари жуда танқис бўлган ва ёпиқ академик муҳитли давлатдан кадрлар тайёрлашнинг диверсификацияланган тизими ҳамда улкан инвестициявий кўмакка эга қудратли минтақавий интеллектуал хабга айланиб, ҳақиқий буюк сакрашни амалга оширгани аён бўлади.



Г'узалбегим РАХИМОВА, иқтисодиёт фанлари доктори

Юз берган ўзгаришлар кўламини ҳолис ва ҳаққоний баҳолаш ҳамда чуқур аниқлаш, тушуниш учун бошлангич нукта бўлиб хизмат қилган 2016 йил рақамларига мурожаат қилиш лозим. Чунки ўша даврда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси бор-йўри 9 фоизни ташкил этар, бу дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги учун реал хавф туғдиради. Олий таълим тизими қатъий давлат монополияси ва институционал турғунлик билан ажралиб турарди: республикамиз бўйича атиги 77 та олий ўқув юрти фаолият қилса, уларнинг барчаси истисноси қолдиқ принципи асосида молиялаштириладиган давлат тузилмалари эди. Ушбу стратегик сегментда хусусий секторнинг улуши мутлақ нолга тенг бўлиб, бу тизимни мослашувчанлик ва инновацион салоҳиятдан маҳрум қилганди. Талаб ва тақлиф ўртасидаги номуаносиблик ўта юқори даражада эди: ҳар йили қабул комиссияларига қарийб 700 миң абитуриент ҳужжат топширар, аммо талабалик гувоҳномасини 60-65 миң бахтли ёшгина кўлга киритар, улардан ҳам атиги 19 миңи давлат гранти асосида ўқиш имкониятига эга бўларди. Ҳақиқат қиёсийликнинг бундай паслиги бир ўринга 20-25 кишигача бўлган сунъий танловни шакллантириб, кенг кўламли коррупцион схемалар, иктымол норозилик ва зўминлаб истеъдодли йигит-қизларда умидсизлик ҳиссини келтириб чиқарди.

2026 йил манзараси эса тубдан ўзгача иктымол-иқтисодий воқеликни намоён этмоқда. Бунда тизимли ўзгаришларнинг асосий драйвери рекорд даражадаги бюджет

Учинчи Ренессанс пойдевори ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ КЕЙИНГИ ЎН ЙИЛ ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

маблаглари ва либераллаштиришга қаратилган қатъий сиёсий ирода бўлди. 2025 йилги давлат бюджетиде таълим ва илм-фан соҳасига сарфланадиган ҳаражатлар тарихий максимал даражага — 84,3 триллион сўмга етди, бу барча давлат ҳаражатларининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу улкан сумманинг бевосита олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришга йўналтирилган қисми 14,5 триллион сўмдан ошди, бу номинал қийматда 2016 йилдаги кўрсаткичлардан ўн баробар кўпдир. Ушбу қудратли молиявий пойдевор ва қудай инвестиция муҳити яратилиши эвазига Ўзбекистонда олий ўқув юртинининг умумий сони 2,7 баробар ўсиб, 210 гага етди.

Ислохотларнинг тарихий феномени ва асосий ютуғи нодавлат секторнинг пайдо бўлиши ҳамда жадал ривожланиши бўлди. Ўн йил аввал Ўзбекистонда бирорта хусусий олий ўқув юрти йўқ эди. Бугунги кунда эса 85 дан ортиқ нодавлат университет ва институт муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бу республикамиз ОТМлари умумий сонининг 40,5 фоизини ташкил этади. Ушбу тектоник таркибий ўзгариш олий таълим қаровини критик 9 фоиздан 2026 йилда рекорд даражадаги 50 фоизгача ошириш имконини берди. Ушбу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига эъзо ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига мос келади ва "Ўзбекистон — 2030" стратегияси вазифаларига тўлиқ жавоб беради.

Бироқ инфратузилмнинг микродорий ўсиши тизимнинг интеллектуал ядросини сифат жиҳатидан янгиланиши тақозо этади. Бу борадаги статистика ҳам ҳақиқий кадрлар ренессансидан далolat беради. 2016 йилда республикамиз олий ўқув юртинларида илмий салоҳият даражаси (илмий даражали ўқитувчилар улуши) зўрға 32 фоизга етар, фан доктори ва профессор илмий даражасига эга педагогларнинг умумий сони бутун мамлакат бўйича 9 миңдан ошмас эди. Профессор-ўқитувчилар иш ҳақини ўртача 4,5 баробар оширишни кўзда тутувчи радикал моддий рағбатлантириш тизими жорий этилиши, шунингдек, диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича бюрократик тартиб-таомиллар соддалаштирилиши (сифат талабларини пасайтирмаган ҳолда) натижа-сида 2026 йилга келиб, илмий салоҳият даражаси 55 фоиздан ошди. Ҳозир мамлакатимиз аудиторияларида PhD ва DS илмий даражасига эга 35 миңдан ортиқ педагог дарс берамоқда. Бу миллий интеллектуал капиталнинг қарийб тўрт баробар ўсганини аниқлатади. Олий ўқув юртинларида ёш олимлар кириб келиши авлодлар давомийлигини таъминлади ва университет лабораторияларига янги руҳ бағишлаб, интеллектуал турғунликка қарши мустақам тўсиқ яратди.

Иктымол адолат ва билмилардан фойдаланиш имкониятини таъминловчи давлат буртомтаси тузилмаси ҳам тубдан ўзгарди. Агар 2016 йилда грант асосида 20 миңдан кам киши таълим олган бўлса, 2025/2026 ўқув йилида бюджет ўринлари (грантлар) сони 197,5 мингга етди, бу истеъдодли ёшларни бепул ўқитиш имконияти ўн баробар ошганини аниқлатади. Кадрлар тайёрлаш бўйича ушбу давлат дастурларини молиялаштириш учун биргина 2025 йилда бюджетдан 10,7 триллион сўм ажратилди. Давлатнинг алоҳида гамаҳурлиги аҳолининг иктымол химояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглигини таъминлашда намоён бўлмоқда. Ҳар йили давлат олий таълим муассасалари магистратура босқинида таҳсил олаётган барча хотин-қизларнинг шартнома тўловларини тўлиқ қоплаш учун камиди 200 миң доллар сўм ажратилмоқда. Жаҳон амалиётида ўхшашли йўқ мисли

кўрилмаган мазкур чора илм-фан ва магистратурада аёллар улушини 45 фоизга етказиш имконини берди.

Бундан ташқари, 2024 йилдан бошлаб фойзалари давлат томонидан қопланиши учун 150 миң доллар сўм ажратилган янги, тўлиқ рақамлаштирилган таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқишни аҳолининг кенг қатламлари учун ҳамёнот қилди. Турли молиявий тўсиқларни бартараф этди.

Миграция оқимларининг чуқур таҳлили ҳам жаҳон илм-фанида айтиладиган "Таълим уйда" стратегияси талабалар чет элга чиқиб кетишининг (миграция) олдини олиш учун маҳаллий университетларда халқаро муҳитни яратишга хизмат қилмоқда. Ваҳоланки, ўн йил аввал ёшлар четга чиқиб кетишининг критик ҳолати кузатилаганди. Экспертлар баҳосига кўра, мактаб битирувчиларининг 30 фоизгача қисми (ҳар йили қарийб 100-120 миң киши) қўшни давлатлар — Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия олий ўқув юртинларига ўқиш учун кетарди. Бунда ҳам кўпинча фақат диплом олиш илминининг сифати шубҳали таълим муассасаларини танлаш валота чиқиб кетиши қўрилишида иқтисодиётимизга тўғридан тўғри зарар етказарди. 2026 йилга келиб бу вектор 180 даражага ўзгарди: "мажбурий" миграция улуши табиий 5-7 фоиз даражасигача қисқариб, ишончли таълим экспортга айланди. Ўзбекистонда хорижий талабалар сони 600 нафардан 12 миң 500 нафарга етгани (20 баробар ўсиш) миллий иқтисодиётга сезиларли дивидендлар



келтирмоқда. Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея ва МДҲ давлатларидан келган талабалар таълим сифати мутаносиблиги туфайли тиббиёт ва техника йўналишларини онгли равишда танламоқда. Давлат ва хусусий олий таълим муассасалари фаолиятининг қиёсий таҳлили



2024-2025 йилларда унинг фаолияти учун 600 миң доллар сўмдан ортиқ маблаг ажратилди, бу эса 5000 дан зиёд ёш мутахассисни барча ҳаражатлари давлат томонидан қопланган ҳолда ТОП-100 таликка кирувчи етакчи хорижий университетларга ўқишга юбориш имконини берди.

соғлом рақобат муҳити шаклланишини кўрсатади. Давлат ОТМлари фундаментал фанлар, тиббиёт ва муҳандислик соҳаларида сўзсиз етакчилини сақлаб қолган ҳолда илмий тадқиқотлар учун давлат грантларининг 100 фоизини бошқармоқда. Бироқ рақамли технологиялар, халқаро бизнес ва гуманитар йўналишлар бўлигини тўлдирган хусусий ОТМлар юқори институционал мослашувчанликни намоён этмоқда. Уларда ўқув дастурларини янгилаш



тезлиги давлат секторидегига қараганда 40-50 фоиз юқори. Инфратузилмага киритилётган кенг кўламли инвестициялар билан мустақамланган ушбу омил (биргина 2025 йилда инвестиция дастури доирасида давлат ОТМларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга 6,6 триллион сўм



бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат давлат бююртмаси асосида кадрлар тайёрлаш жараёнига нодавлат секторни жалб қилишнинг қатъий, аммо адолатли императив мезонларини белгилаб берди.

Хусусан, давлат грантларини тақсимлашда иштирок этишни мақсад қилган хусусий олий таълим ташкилотлари учун лицензия талабларига қатъий риоя этиш, жумладан, асосий шгатадаги профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳияти камиди 35 фоизни ташкил этиши ҳамда муассасанинг ўқув жараёни учун мўлжалланган бино-иншоотлар ва моддий-техник базага эга бўлиши мажбурий шарт сифатида мустақамланди. Натияжада таълим хизматлари бозоридеги носоғлом рақобатга барҳам берилди.

Таълим жараёни шаффофлигини таъминлашда амалга оширилётган рақамли трансформация ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Хусусан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча олийоҳларнинг ягона "Олий таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими" (HEMIS) платформасига тўлиқ интеграция қилиниши коррупцион омилларни кескин қисқартирди. Ушбу тизим талабалар давомати, ўзлаштириш кўрсаткичлари ва диплом бериш жараёнини инсон омилсиз назорат қилиш имконини яратиб, академик ҳалоллик таъминини мустақамлади.

Шунингдек, 2021 йилда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида 35 та етакчи давлат олий таълим муассасанинг молиявий, академик ва ташкилий мустақиллик берилиши тизимдаги инқилобий қадам бўлди. Бу мақом уларга бюджетдан ташқари маблагларни мустақил тасарруф этиш, етакчи хорижий олимларни тўғридан тўғри жалб қилиш, ўқув режаларини бозор талабларига мослаштириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш (Commercialization) жараёнини эркин амалга ошириш ваколатини берди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, 2016-2026 йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимини амалга оширилган институционал ислохотлар соҳадаги давлат монополиясига барҳам бериб, рақобатбардош хусусий секторнинг шаклланишига фундаментал асос яратди. Ушбу эволюцион жараёнинг энг муҳим натижаси таълим бозорининг экстенсив кенгайиш босқичидан интенсив сифат ўзгаришлари палласига ўтиши бўлди. Соҳанинг рақамлаштирилиши туфайли таълим хизматлари бозорига фақат юқори илмий салоҳият, замонавий инфратузилма ва академик ҳалоллик стандартларига жавоб берадиган олийоҳлар фаолият юритишини кафолатловчи барқарор ва адолатли тизимни вуждуга келтирди.

Мисрнинг Қоҳира шаҳри. Каратэ бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунига етди. Ҳашаматли спорт саройида голибларни эълон қилиш ва тақдирлашда энг ҳаяжонли дамлар.

Одатга кўра, шоҳсупага дастлаб учинчи, сўнг иккинчи ўрин соҳиблари чақирилди. Улар ўз ўрнини эгаллашга, бутун спорт саройига жимлик чўкди. Томошабинлар биринчи ўрин эгаси ким эканини тезроқ билиш истагида ҳатто нафас олишни ҳам унутгандек эди гўё. Ахир жаҳон чемпиони бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Кўплаб давлат вакиллариного дағда қолдириш осон эмас. Ниҳоят суҳандоннинг овози баланд янгради: "50 килограммгача бўлган ваъна биринчи ўринни Гулшан Алимардонова эгаллади! Ўзбекистон!". Орузларини рўбega чиқара олган ўзбек қизи шоҳсупа сари бораётган чоғда гулдурас қарсақлар янгради. Унинг номи Ўзбекистон тарихида илк бор каратэ бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпиони сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

У каратэ билан шугулланишни мақсад қилганида эндигина етти эди. Илк марта тенгдош қизларни чиройли спорт либосида кўриб, кўнглида ҳавас йонганди. Ўша пайтлари телевизорда каратэ билан шугулланувчилар ҳақида кўрсатув намоиши этилса, зўр қизиқиш билан томоша қиларди. Ўзинча турли ҳаракатларга тақлид қилар, аммо устоз кўрмагани боис, табиийки, унчалик ўқимасди. Мақтабада жисмоний тарбия ўқитувчиларидан каратэни ўргатишни сўраб илтимос қилган, лекин бу спорт тури бўйича

ОДДИЙ ҲАВАСДАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИГАЧА

тажрибаси йўқлиги боис, улардан ўрганиш имкони бўлмади. Шундай эса-да, қиз мактабдаги спорт тўғрисидаги аъзо бўлди. Икки-уч бор гимнастика машғулотларида иштирок этган, кейин қайтиб бормади. Шундангина ота-онаси Гулшаннинг каратэ билан астойдил шугулланишини истаётганини аниқлади.

Отабек ака каратэ клубини излашга тушди. Косон туманидаги қайси спорт мажмуаси бўлмасин, барчасига кириб чиқди. Олис мактабларда ташкил этилган машғулотларга ҳам борди. Кўпгина мураббийлар билан суҳбатлашди. Бироқ ўша пайтлари туманда каратэ тўғрисида очилмаганди. Илоҳсиз қолган ота ёлғиз фарзандининг қизиқлигини сўндиришни истамади. Мутахассислардан суриштирди. Айтилганидек, Қарши шаҳридаги мактабларнинг бирида айнан каратэ машғулотлари ўттилар экан. Отабек ака қизини етаклаб борган, олти-етти ёшли спортчиларни кўриб, кўнгли хотиржам бўлди. Демак, қизини ҳам қабул қилишди. Шундай бўлди ҳам. Мураббий Ойбек Обжуклов қиз билан суҳбатлашиб, илтишис астойдил эканига амин бўлди ва тўғраракқа қабул қилди.

Шундан кейин Гулшан ҳар куни ўзи яшайдиган Косон туманидан Қарши шаҳрига қатнайдиган бўлди. Мактабдаги дарслари тугади дегунча, отасига эргашиб тўғраракқа борарди. Лекин машғулотларга олиб боришга Отабек аканинг ҳар доим ҳам вақти бўлавермасди. Шу боис, уни кўпинча буvisи етаклаб борадиган бўлди. Қиз эса машғулотларда иштирок этиш, гоҳида ўзидан катталарни ҳам маълум этишга иштирок эди.

Ўшанда шугуллана бошлаганига энди бир ой тўлганди. Шаҳрисабз шаҳрида ёшлар ўртасида вилоят биринчилиги ўтказиладиган бўлди. Мураббий шогирдларини сараларкан, Гулшан ҳам беллашувда қатнашиш истагиди эканини айтди. Ҳали тажрибасиз қизини майдонга тушириб бўлмасди. Шундай бўлса-да, мураббий унинг шаштини сўндиришни хоҳламади. Иштирокчилар сафига қўшди.

Илк мусобақа. Ҳаяжондан Гулшаннинг қўли бир оз титрамоқда. Майдон ўртасига чиққанида кўрқувни кучайди. Ҳамма унга қараб тургандек эди. Қизча шовиб, ўзини йўқотиб қўйди. Мураббийнинг танбеҳи уни ўзига келтирди. Биринчи учрашувдаёқ рақибини очко ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу Гулшаннинг илк галабаси эди. Бундан руҳланиб, қизча кейинги учрашувда ҳам устунликка эришди. Ярим финалда эса барибир тажрибаси камлиги сезилиб қолди. Бироқ илк мусобақада учинчи ўринни эгаллагани қиз учун катта муваффақият эди. Шу куни олган бронза медалини кечга қадар қўлидан қўймаган, ота-онасига, буvisига кўрсатиб, роса мактаганди.

Қисқа муддатда эришилган натижа қизнинг спортга қизиқлигини янада оширди. Энди ҳеч бир машғулотни қанда қилмасликка ҳаракат қилмагани бўлди. Аста-секин тажрибаси ошиб борди. Шаҳар, вилоят биринчиликларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллай бошлади. Мақсади сари дардил оидимлар экан, мураббийнинг ҳар бир сабогини астойдил ўзлаштиришга ҳаракат қиларди.



Эътироф

Гулшан ота-онасининг қўллаб-қувватлови билан шу даражага етганини ҳар доим ҳис қилиб туради. Косондан Қарши шаҳрига саккиз йил қатнади. Деярли ҳар куни машғулотла келиб-кейтиш учун ўзига яраша маблаг керак. Отаси оддий ишчи бўлса-да, қизи учун ҳаракат қилди. Чора топилмаб қолганида ҳеч ўйлаб ўтirmай уйини сотиб, Қарши шаҳрига бориб ижарада яшай бошлади. Бу, энг аввало, Гулшан учун катта имконият эди. Оиласидегилар унинг учун барчасига рози эканини аниқлади. Шу боис, ҳар бир турнирда галаба

қозониш иштиқкида бўлди. Ютуқлари ҳам қўлайиб борди. Бугунга қадар у 10 карра Ўзбекистон, 3 марта Осиё чемпиони бўлди. Бир неча бор халқаро турнирларда биринчи ўринга муносиб кўрилди. 2025 йили Озарбайжонда ўтказилган МДҲ ўйинларида галаба қозонди.

Дунё спорт арена-сида юқори ўринларни эгаллашга астойдил интиланман, — дейди Гулшан Алимардонова. — 2025 йил мен учун омадли бўлди. Орузларим амалга ошди. Жаҳон чемпионлигини кўлга киритиш билан бирга ноолимпия спорт турлари бўйича мамлакатимизда "Йилнинг энг яхши аёл спортчиси" дея эътироф этилдим. Бу мен учун катта шараф. Энг муҳими, отамнинг ушамалй қолган орузсини амалга оширдим. У ёшлиғида спортчи бўлишни жуда истаган. Аммо шароит бўлмагани боис, шугуллана олмаган. Шу сабаб менга шарт-шароит ярати берган. Бунинг учун ота-онамга раҳмат. Шу билан бирга, ҳар гал мураббийимнинг меҳнатини таъкидлаб ўтгим келади.

Спортчи қиз жаҳон чемпионлигини кўлга киритган бўлса-да, ҳаракатдан тўхтаганини йўқ. У ҳозир 20 ёшда. Каратэ бўйича дунё рейтингида 2-ўринда. Мақсади — биринчи ўринга қўтарилиш. Дарвоқе, ўтган йили Ўзбекистонда аёллар ўртасида илк марта каратэ WKF бўйича жаҳон чемпиони бўлган спортчи қиз Президент совғаси сифатида BYD Song Plus автомобили билан тақдирланган.

Гулшан шоҳсупага чиқди. Бўйинига олтин медаль илindi. Мусобақа тартибига кўра, голиб спортчи шарафига маҳҳиямиз янгради. Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваддуғ тоғлан кун

“ДАВРОН МЕНИ ЎТКАРДИ САРУ СОМОНДИН”

ШОҲ ВА ШОИР НАЗДИДА МАЪРИФАТ ҲАМДА БОШҚАРУВ ҚИЙМАТИ



Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида сўз кетганда, унинг ғалабалари ҳам, мағлубиятлари ҳам тилга олинади. Аммо биз асосий эътиборни натижаларга эмас, муносабатга қаратмоқчимиз. Чунки тарихда кўп ҳукмдорлар ғалаба қозонган, лекин баъзилари борки, мағлубият ҳақида ҳам рост сўзлаш олган. Бобур ана шу камёб таваққур эгаларидан бири эди.



Мунискон ҲАКИМОВ, Алишер Навоий номидagi давлат адабиёт музейи нодир қўлэмалар бўлими мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

фидри бугунги “халқчил давлат” тамойиллари билан тўлиқ уйғун. Бобур зулнинг манбасини ташқи душмандан эмас, ички бузилишдан излайди. Унингча, ҳокимиятнинг емирувчи энг хавфли куч нафс ва манманлиқдир:

Нафс душмандурур яқин билгил,

Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

Бу — сиёсий фалсафа. Агар раҳбар нафсини жиловламаса, адолат ҳам, халқ розилиги ҳам йўқолади. Шу боис, муаллиф ҳокимиятнинг ахлоқий жиҳатдан ўзини назорат қилиши билан боғлайди.

Шоир давлатни халқдан устун қўймайди, аксинча, давлат халқ розилигига боғлиқ эканини ўқтиради. Шунингдек, Бобур ҳокимиятга махлиё бўлиб қолишни маънавий таназул деб билади:

Давлат учун кўнгулни зор этма,

Иззат учун ўзунгни хор этма!

Шоҳ ва шоир таърибаси шуни кўрсатадики, адолат кучи челковчи восита эмас, аксинча, уни қонуний ва барқарор қиладиган омилдир. Уруш ва беқарорлик шароитида ҳам у халқ розилигини йўқотмасликка интилади. Чунки Бобур учун ғалаба фақат майдон-



Бобур меросини ўқир эканмиз, унинг давлатчиликка муносабати бошқа кўп тарихий ҳукмдорларникидан тубдан фарқ қилганини кўрамиз. У учун ҳукмдорлик фахрландиган мақом эмас, балки ҳар кунги ўз-ўзига ҳисоб бериб яшаш мажбурияти эди. Шу жиҳати билан Бобур бошқарувни натижа эмас, жараён билан ўлчайди.

Бу таваққур, энг аввало, унинг хотиралари — “Бобурнома” да яққол кўринади. Асарда Бобур ўзини оқлашга уринмайди, айбни бошқарушга оқламайди. Масалан, Самарқанд учун курашдаги мағлубиятини ташқи хиёнат ёки тақдир эмас, таърибсизлиги ва нотўғри қарорлари билан боғлайди. У бир ўринда ёшлигини, сиёсий вазиятнинг етарлича англаб етмаганини очиқ тан олади.

Сарқарда учун рости сўзлаш сиёсий заифлик эмас, аксинча, маънавий устунлик эди. Шунинг учун у ғалабани ҳам, мағлубиятни ҳам бир хил самимият билан ёзади. Айни шу нуктада Бобур ҳокимиятнинг шахсий масъулият сифатида англаган шахс сифатида намоён бўлади.

Бу муносабат унинг ижодида ҳам давом этади. Бобур ўз шеърларида давлат, тахт ёки қудратни абадий неъмат деб тасвирламайди. Аксинча, давлат ўткинчи экани, инсон эса унинг олдига маънавий жиҳатдан жавобгарлигини бот-бот эслатади:

Даврон мени ўткарди сару сомондин,

Ойири мени бир йўли хонумондин.

Ҳақ бошимга тоғ, гаҳ балойи татна —

Неларки, бошимга келмади даврондин.

Муҳими шундаки, Бобур ҳокимиятнинг йўқотган паллада ҳам ўзини оқламайди. У мағлубиятни ички ҳисобот сифатида қабул қилади. Бу эса ҳоким учун оғир, бироқ энг зарур босқич — ўзини ўзини танқид қилиш маданиятидир.

Адолат ва халқ розилиги

Бобур учун адолат қонун матни эмас, балки амалий муносабат. У ҳокимиятга етиб, халқни унутган раҳбарни кескин огоҳлантиради:

Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма!

Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма!

Жумлада ҳокимиятнинг ҳақиқий таянчи очиқ айтилган: меҳнат эли. Халқ дардини унутган давлат узоққа бормайди. Шоир



да эмас, одамлар қалбига қўлга киритилади.

Бобурнинг давлатчилик таваққурида энг муҳим чегара инсон кадридир. У учун ҳокимият ҳар қандай шароитда ҳам инсонни поймол қилиш ҳуқуқини бермайди. Бу жиҳат унинг сиёсий қарашларини ўша даврдаги кўплаб ҳукмдорлар таваққуридан кескин ажратиб туради.

Ушбу муносабат “Бобурнома” да уруш воқеалари баён қилинган ўринларда яққол намоён бўлади. Бобур жангни қаҳрамонлик ёки романтик ҳолда эмас, балки инсон ҳаётига солган оғир фожиа сифатида тасвирлайди. Самарқанд қамали пайтида у халқ қандай очлик ва танқисликка тушганини аширди ёзади: “Элга бисёр танқислик бўлди. Лега еттиким, фақир ва мискин ит этини, эшак этини йиға қиршитилар...”.

Урушнинг оқибатлари инсон жони билан ўлчанганини ҳам очиқ қайд этади: “Улуғ-улуғ беқлар ва яхши-яхши йиғитлар, қалин киши бу урушта талаф бўлди”.

Асардаги сатрлар Бобурнинг урушни зафар эмас, балки халқ тақдирига тушган

оғир синов сифатида англаганини кўрсатади. Унинг бу ёниш услуби ҳукмдорнинг ўзи юритган сиёсатга маънавий жавобгарлик ҳиссини ифодалайди.

Шоҳ Бобур зўравонликни давлатчилик услуби сифатида қабул қилмайди. У куч ишлатишни зарурат, аммо меъёрдан чиқаришни ҳалокат деб ҳисоблайди. Шу сабаб жангдан кейин интиқомни эмас, тартиб ва барқарорликни устувор қўяди. Бу ҳолат унинг раҳм-шафқатини заифлик деб билмаганини кўрсатади.

Айни таваққур Бобурнинг шеърларида ҳам чуқур акс этган. У қудрат ва давлатни инсон тақдирини билан солиштириб, уларнинг нисбий эканини ўқтиради:

Не бало бийқутурур давлат тоғи,

Кўйи гамини не билур давлат тоғи.

Шоир фикрига кўра, инсон дардини ҳис

Бобур шеър ёзишни ҳордиқ чиқариш ёки шахсий машғулот деб билмаган, балки ҳокимнинг фикр юритиш маданияти сифатида ҳам қабул қилган. Шу боис, унинг шеърларида давлат, тақдир ва инсон қисмати ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар устувор.

Муҳими, Бобур илм-маърифатни юқори табақагагина тегишли соҳа деб билмаган. У туркий тилда ёзиб, билим ва фикрнинг кенг қатламга яқинлаштирди. Бу — сиёсий қарор. Чунки тил ва маданият орқали халқ билан мулоқот қилиш ҳокимиятнинг ёпиқлигини чиқаради.

Бу нуктада Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси бугун ҳам аҳамиятли. Замонавий давлат учун илм-маърифат стратегик заруратдир. Таълим ривожланган жамиятда келажакка ишонч ҳам онгли бўлади. Шу жиҳатдан Бобур таърибаси бизга бундай ху-

Илму санъат — узоқ муддатли сармоя

Бобур давлатни фақат ҳарбий ёки маъмурий куч билан эмас, балки маънавий ва интеллектуал асос билан мустаҳкамлаш мумкинлигини англаган тарихий ҳукмдор эди. Унинг таваққурида илм ва маданият давлат барқарорлигининг асосий шарти ҳисобланган. Бу қараш ҳукмдорнинг амалий сиёсатида ҳам, шахсий ҳаётида ҳам намоён бўлади. Самарқанд фатҳидан сўнг Бобур олим ва ижодкорларга нисбатан эҳтиёткор ҳамда хо-

миларча муносабатда бўлади. Айниқса, фазилат эгаларига ноҳақ шубҳа билан қарашга йўл қўймайди. Масалан, Мулло Биноий ҳақида бундай ёзади: “Неча кундин сўнг чун фазилатлик киши эди, гуноҳе содир бўлмайдурур эди, Самарқанда келтурдурур”.

Бу қараш “Бобурнома” да давлат ишлари билан бир қаторда илмий ва адабий ҳаётнинг кенг ёритилишида яққол намоён бўлади. Бобур шахарларни фақат ҳарбий нуқтан назардан эмас, балки улардаги маърифат муҳити билан баҳолайди. Унинг Самарқандда Алишербек (Навоий) билан шеърий мулоқотни алоҳида қайд этиши ёки Мулло Биноий, Хожа Абулбарқо Фироқий каби зоғлар билан адабий мусобақаларни ҳияоқ қилиши кабилар аҳамиятли. Шу маънода, Бобур учун шаҳар қудрати деворлар ёки кўшн сони билан эмас, ақл, сўз ва маданият билан ўлчангани. Илмга таянган давлатгина вақт синовидан ўта олиши ҳақидаги бу қараш унинг бутун меросида узвий гоё сифатида яшайди.

Бобур шеър ёзишни ҳордиқ чиқариш ёки шахсий машғулот деб билмаган, балки ҳокимнинг фикр юритиш маданияти сифатида ҳам қабул қилган. Шу боис, унинг шеърларида давлат, тақдир ва инсон қисмати ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар устувор.

Муҳими, Бобур илм-маърифатни юқори табақагагина тегишли соҳа деб билмаган. У туркий тилда ёзиб, билим ва фикрнинг кенг қатламга яқинлаштирди. Бу — сиёсий қарор. Чунки тил ва маданият орқали халқ билан мулоқот қилиш ҳокимиятнинг ёпиқлигини чиқаради.

Бу нуктада Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси бугун ҳам аҳамиятли. Замонавий давлат учун илм-маърифат стратегик заруратдир. Таълим ривожланган жамиятда келажакка ишонч ҳам онгли бўлади. Шу жиҳатдан Бобур таърибаси бизга бундай ху-



лосани беради: ҳокимиятнинг энг самарали сармояси — билимли жамият.

Айни сармоя дарҳол натижа бермаслиги мумкин, аммо давлатни узоқ муддатли барқарорликка олиб чиқади.

Ватан соғинчи ва табиат

Ватан Бобур учун фақат ер ёки ҳудуд эмас, балки хотира, тил ва руҳий илди эди. У ҳокимият учун курашиб, бир юртдан иккинчисига кўчишга мажбур бўлган паллаларда ҳам ўзини тўлақонли голиб эмас, айни вақтда тақдир синовидаги мусофир сифатида ҳис қилади. “Бобурнома” да Самарқанд ва Андижондан ажралиш манзаралари нафақат сиёсий йўқотиш, балки шахсий изтироб сифатида берилгани бунга далилдир. Айниқса, қамалдан кейинги ҳолатни у бундай ифодалайди: “Бу оламда ўтган вақоғе туш ва хаёлдек кўзума ва кўнгулума кўрунурур эди”.

Бу сатрлар шоҳ ва шоир учун ватан йўқотилиши ҳокимиятдан маҳрум бўлиш барқарорда ички барқарорликка зарба эканини кўрсатади.

Бобур табиатни ҳам давлатчилик таваққурининг бир қисми сифатида англайди. У боғлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Боғ унинг учун фақат ҳордиқ чиқариладиган жой эмас, балки тартиб, уйғунлик ва масъулият рамзи. Инсон табиат билан уйғун яшамаса, давлат ҳам барқарор бўлолмайдиган деган фалсафа бу ерда яққол кўринади. Шоир шеърини билан танишган ўқувчи мазкур туйғуларнинг ошқора ифодасига гувоҳ бўлади. Яъни Ватан соғинчи бу шеърини тахассис илтироб эмас, балки маънавий ҳолат сифатида юзага чиқади:

Эд эммас эмиш кишини гурбатта киши,

Шод эммас эмиш кўнгулини

меҳнатта киши.

Ушбу мисралар ҳукмдорнинг қудрат инсонни гурбатдан қутқармайдиган деган ички иқридоридир. Ватан билан боғлиқ маънавий узуллиш ҳеч қандай давлат ютуғи билан қопланмайди.

Шоир бу соғинчни ҳеч қачон халқидан устун қўймайди. У дардини сиёсий қарорларга айлантириб юборишдан сақланади. Аксинча, ўзини тийиш, ҳиссиётини назорат қилиш орқали давлат манфаатини устувор қилади.

Бугунги сиёсий воқеликда бу гоё янада долзарб. Глобаллашув даврида давлатлар фақат иқтисодий ёки хавфсизлик билан эмас, балки маданий хотира ва табиатга муносабат билан ҳам баҳоланади. Бобур мероси бизга шуни эслатади: Ватан — сақлаб қолиниши керак бўлган маънавий ўзан. Ҳокимият шу ўзани таянгандагина, халқ билан узилмас боғлиқликни сақлаб қолади.

Миллий ўзлик ва олам саҳнаси

Бобур шахсиятининг энг мураккаб ва муҳим қирраларидан бири миллий ўзликни сақлаган ҳолда жаҳон цивилизациясига чиққанидир. У ҳокимиятнинг кенгайтиргани сари ўзликни йўқотмади, аксинча, уни янада аниқ англади. Шу жиҳатдан Бобур фақат тарихий шахс эмас, балки глобал сиёсат шароитида миллий қиёфа қандай сақланиши мумкинлигини кўрсатган феномендир.

Унинг тил танловида, аввало, бу ҳолат намоён бўлади. Бобур жаҳон миқёсида салтанат барпо этганига қарамай, асарларини туркий тилда ёзади. “Бобурнома” маҳаллий хотира учун эмас, бутун инсоният учун қимматли манба бўлиб қолди, бироқ у айнан миллий тилда яратилди. Бу муҳим сиёсий қарор эди. Чунки тилни сақлаш тарихий хотирани сақлаш демакдир.

Ҳақон сиёсатида Бобурийлар давлати катта ўрин тутган бўлса-да, асосчиси миллий илдиздан узилмади. У ўзини жаҳон ҳукмдори деб эмас, муайян тарихий ва маданий анъананинг давомчиси деб ҳис қилди. Шу сабабли Бобур меросида миллийлик ҳеч қачон ёпиқликка айланмайди. Аксинча, у очиклик ва мулоқот учун асос бўлади.



Қолмади ҳурмат аҳли оламда, Оламу олам аҳдидин юв иллик!

Бу мисраларда шоир жаҳон сиёсатининг беқарор табиатига ишора қилади. Бобур учун глобал саҳна доимий қафолат эмас. Шунинг учун у миллий таянчини йўқотмасликни энг муҳим шарт деб билади.

Ҳукмдор миллийликни устунликка айлантирмайди. У ўз илдини бошқаларникидан юқори қўймайди, балки унга таяниб, жаҳон билан мулоқот қилади. Бу эса бугунги глобал сиёсат учун жуда муҳим сабоқ: миллий ўзлик тўсиқ эмас, балки барқарорлик манбаи.

Бугун давлатлар жаҳон ҳамжамиятига чиқар экан, кўпинча миллий қадриятлардан воз кечиш ёки уларни формал рамзга айлантириш хавфига дуч келади. Бобур таърибаси эса жаҳонга чиқиш ўзиндан кетиш эмас деган бошқа йўлни кўрсатади.

Шу маънода, Бобур феномени замонавий сиёсий тафаккур учун жуда долзарб.

Тарих ҳокимиятнинг кўп шакллари кўрган. Қудратга таянган давлатлар ҳам бўлган, зўравонликка суянган суноуллар ҳам. Лекин тарихда фақат бир мезон синоидан ўтиб қолган — виждон. Шу нуқтан назардан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси ўтмиш ҳақидаги хотира эмас, балки ҳокимиятга қўйилган ахлоқий талабдир.

Бобур давлатни бошқариш мумкинлигини исботлади. Аммо ундан ҳам муҳим, давлатни ўзини ҳам ҳисобга торта оладиган ҳоким орқали бошқариш мумкинлигини кўрсатди. У ғалабани аширмади, мағлубиятни оқламади, хатони тақдирга юкламади. Шу жиҳати билан Бобур ҳокимиятнинг муқаддаслаштирмади, балки уни маънавий синов сифатида қабул қилди.

Сиёсат тезкор қарорлар, рақобат ва геосиёсий босимлар майдонига айланган бугунги шароитда Бобур таърибаси бир ҳақиқатни эслатади: ҳокимиятнинг мустаҳкамлайдиган омил — фақат ресурс ёки куч эмас, балки ишонч. Ишонч эса виждон, очиклик ва жавабгарлик орқали пайдо бўлади.

Бобур мероси биздан ўтмишга мафтун бўлишни эмас, балки ўтмиш орқали ўзимизга савол беришни талаб қилади. Агар давлат ўз тарихини фақат ғалабалар силсиласи сифатида кўрса, ўзига хато қилиш имконини ёпади. Агар тарихни маънавий хулоса манбаи сифатида қабул қилса, тараққиёт учун йўл очилади. Бобур иккинчи йўлни танлаган ҳукмдор эди.

Шу маънода, Бобур биз учун ёдгорлик эмас, тарихий мезон. Ҳокимият қанчалик кучли бўлмасин, агар у виждон билан ўлчанма, тарих олдига ожиз бўлиб қолаверади.

Асосий хулоса шундаки, қудрат давлатни барпо қилади, лекин уни сақлаб қоладиган ва оқлайдиган куч виждондир.

